## *Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА» ҲАМДА «КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

I. 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 88-модда), Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги Қонуни билан (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 191-модда), 1991 йил 20 ноябрдаги Қонуни билан (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 49-модда), 1992 йил 14 январь ва 2 июлдаги қонунлари билан киритилган ўзгартишлар билан) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 3-модда 1-бандининг «р» бандчасидаги «солиқ солинмайдиган минимумнинг бир ярим баробаригача» деган сўзлар «солиқ солинмайдиган минимум ойлик миқдорининг бир ярим баробаригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-модда 1-бандининг «с» бандчасидаги «йилига солиқ солинмайдиган минимумнинг уч баробаригача» деган сўзлар «йилига солиқ солинмайдиган минимум ойлик миқдорининг уч баробаригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 4-модда 1-бандининг «а» бандчаси «Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган» деган сўзлардан кейин «йиллик» деган сўз билан тўлдирилсин.

4. 8-модданинг 1-бандида келтирилган жадвал қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

| Солиқ солинадиган йиллик даромаднинг миқдори (солиқ солинмайдиган минимум чегирилган ҳолда) | Солиқ суммаси |
|---|---|
| иш ҳақи солиқ солинмайдиган ойлик минимуми 36 баробари миқдоригача | 14 фоиз |
| иш ҳақи солиқ солинмайдиган ойлик минимуми 36 баробари (+1 сўм) миқдоридан 48 баробари миқдоригача | солиқ солинмайдиган ойлик минимуми 36 баробари миқдоридан олинадиган солиқ +36 баробаридан ортиқ сумманинг 16 фоизи |
| иш ҳақи солиқ солинмайдиган ойлик минимуми 48 баробари (+1 сўм) миқдоридан 60 баробари миқдоригача | солиқ солинмайдиган ойлик минимумнинг 48 баробари миқдоридан олинадиган солиқ +48 баробаридан ортиқ сумманинг 20 фоизи |
| иш ҳақи солиқ солинмайдиган ойлик минимуми 60 баробари (+1 сўм) миқдоридан 90 баробари миқдоригача | солиқ солинмайдиган ойлик минимумнинг 60 баробари миқдоридан олинадиган солиқ +60 баробаридан ортиқ сумманинг 30 фоизи |
| иш ҳақи солиқ солинмайдиган ойлик минимуми 90 баробари (+1 сўм) миқдоридан 120 баробари миқдоригача | солиқ солинмайдиган ойлик минимумнинг 90 баробари миқдоридан олинадиган солиқ +90 баробаридан ортиқ сумманинг 40 фоизи |
| иш ҳақи солиқ солинмайдиган ойлик минимуми 120 баробари (+ 1 сўм) миқдори ва ундан юқори | солиқ солинмайдиган ойлик минимумнинг 120 баробаридан олинадиган солиқ +120 баробардан ортиқ сумманинг 50 фоизи |

5) 8-модда 1-бандининг иккинчи қисми «фавқулодда ҳолларда» деган сўзлардан кейин «12 фоиздан кам бўлмаган миқдорда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

II. 1991 йил 15 февралдаги «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №4, 86-модда), 1991 йил 14 июндаги қонуни билан (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 191-модда), 1991 йил 20 ноябрдаги Қонуни билан (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 50-модда), 1992 йил 14 январь ва 2 июлдаги қонунлари билан киритилган ўзгартишлар билан) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Муқаддимадан «экспорт-импорт солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Муқаддима қуйидагича мазмунда бўлган қисм билан тўлдирилсин:

«Маҳсулотлар жўнатилганлиги, ишлар бажарилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилса, ушбу Қонунга биноан маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар реализация қилинган ҳисобланади».

3. 3-модданинг 2-банди қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«2. Ушбу Қонунда маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан келган тушум дейилганда жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат учун тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича олинган сумма тушунилади».

4. 3-модданинг 3-бандидаги «сотиб олинган» деган сўзлар «тақдим этилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 4-модданинг иккинчи хат боши «мол-мулкка, транспорт воситаларининг эгаларига солинадиган солиқлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 4-модданинг саккизинчи хат бошисидаги «ва савдо маркасидан фойдаланиш» деган сўзлар «савдо маркасидан фойдаланиш ва сотиб олинадиган брокерлик ўринлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 4-модданинг ўн бешинчи хат боши қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«реклама учун амалдаги меъёрлар бўйича кетган харажатлар суммаси».

8. 4-модданинг ўн еттинчи хат боши чиқариб ташлансин.

9. 5-модданинг 3-банди чиқариб ташлансин.

10. 6-модда 1-бандининг иккинчи қисмидаги «30» рақами «35» рақами билан алмаштирилсин.

Шу банд қуйидагича таҳрирдаги қисм билан тўлдирилсин:

«Фан ва илмий хизмат кўрсатиш корхоналари учун солиқ ставкалари Вазирлар маҳкамаси томонидан алоҳида тартибда белгиланади».

11. 6-модданинг 2-банди чиқариб ташланиб, умуман 6-модда ва 6-модда 1-банди биринчи хат бошисининг тартиб рақамлари тегишинча ўзгартирилсин.

12. 6-модда 3-бандининг иккинчи қисмидаги «15» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин.

13. 9-модданинг «е» бандидаги «ўз устав» деган сўзлар «хайрия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 9-модданинг «о» банди қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«о) Қизил Ярим ой жамияти корхоналари ва ташкилотлари асосий фаолиятлари бўйича жамиятнинг хайрия вазифаларини бажаришда тўлиқ фойдаланиш шарти билан;»

15. 9-модда қуйидаги таҳрирдаги «п» банди билан тўлдирилсин:

«п) ижодий уюшмалар ва уларнинг корхоналари асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олган ва ижодий уюшмаларнинг устав фаолиятини бажариш учун сарфлайдиган даромадлари».

16. 11-модда қуйидагича таҳрирдаги тўртинчи банд билан тўлдирилсин:

«4) Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар ажратаётган чет эл капитали иштирокидаги биргаликдаги корхоналар ўз ишининг дастлабки беш йилида.»

17. 12-модданинг учинчи хат бошисидаги биринчи гап қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ишлаб чиқаришни инвестициялашга, конверсиялашга, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари, бинокорлик материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни инвестициялашга олинган қарзларни қоплашга кетадиган сарф-харажатларнинг 50 фоизига».

18. 12-модданинг саккизинчи хат бошисидаги «ижодий уюшмалар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

19. 12-модда сўнгги қисмдаги «ва ўзга хайрияларга» деган сўзлардан кейин қуйидагича таҳрирдаги янги хат бошилар билан тўлдирилсин:

«мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарнинг ногиронларга мўлжалланган ижтимоий-маданий иншоотлар, спорт иншоотлари қуришни, улар учун асбоб-ускуналар олишни, уларни сақлашни пул билан таъминлашга ажратадиган маблағга;

(ишловчилар сони 34 нафардан кам бўлмаган корхоналарда) белгиланган меъёрдан ортиқча равишда ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар 2,5 фоизининг даромадидан олинадиган солиқнинг бир фоизига тўғри келадиган миқдорга;

чет эл капитали иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, технологияни янгилаш ва ижтимоий дастурларни рўёбга чиқариш учун қайта инвестициялайдиган қисмига.»

20. 17-модданинг сўнгги хат боши қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида импорт товарларини (ишларини, хизматларини) ва товарларни (ишларни, хизматларни) чет эл валютасида реализация қилиш оборотлари».

Ушбу модда қуйидагича таҳрирдаги қисм билан тўлдирилсин:

«Акцизларга тенглаштирилган товарлар бўйича қўшилган қийматга солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқишда акцизлар суммаси солиқ солинаётган оборотга қўшилади.»

21. 18-моддадаги «30» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин.

22. 19-модданинг 1, 2 ва 4-бандлари чиқариб ташланиб, модда бандларининг тартиб рақамлари тегишинча ўзгартирилсин.

23. 19-модданинг 24-банди:

«аҳолига қарашли автомобилларни ремонт қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатиш борасидаги хизматлар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

24. 19-модда қуйидагича таҳрирдаги 28, 29 ва 30-бандлар билан тўлдирилсин:

«28) стенография хизматлари;

29) ваколатли давлат ташкилотлари ўтказадиган экологик экспертиза хизматлари;

30) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш бўйича ички ишлар идоралари ҳузуридаги идорадан ташқари қўриқлаш хизматлари (фуқароларнинг квартираларига ва халқ хўжалиги объектларининг биноларига асбоб-ускуналар ўрнатиш ва қўриқлаш, ёнғиндан ҳимоя қилиш сигнализациялари монтаж қилиш борасидаги хизматлар бундан мустасно).»

25. V боб чиқариб ташланиб, кейинги боблар ва моддаларнинг тартиб рақамлари тегишинча ўзгартирилсин.

26. 28-модда қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хом ашё ресурслари ва маҳсулотлар реализация қилувчи корхоналар солиқ тўловчилар ҳисобланади».

27. 30-модда қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«Корхоналарнинг мол-мулкига 1 фоиз ставка бўйича солиқ солинади.

Ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси мажбурий тўлов тарзида биринчи навбатда маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кетган харажатларга ажратган ҳолда бюджетга ўтказилади».

28. 39-модда қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонунни татбиқ этишга доир йўриқномалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Бош давлат солиқ бошқармаси томонидан биргаликда чиқарилади».

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 декабрь.

---

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ХУСУСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги ҳамда «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун 1993 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.**

**2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси бир ой муддат ичида:**

**— корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан, шу жумладан фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар учун даромад солиғи ставкаларини белгиласин;**

**— ҳукуматнинг, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини уқтириб ўтилган Қонунга мувофиқлаштирсин;**

**— ушбу Қонуннинг ижро этилишини таъминловчи меъёрий ҳужжатларни қабул қилсин.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси**

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

**Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 декабрь.**

---

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ БОШЛИҚЛАРИГА

# МУРОЖААТНОМА

Биз, Ўзбекистонда яшовчи турли халқларнинг вакиллари, миллий-маданий марказларнинг ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳамкорлиги ва тараққиётига кўмаклашувчи халқаро уюшманинг фаоллари минтақамиз давлатлари бошлиқларининг 1993 йил 3—4 январда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви якунларини ғоят завқланиб кутиб олдик.

Бу учрашув ҳақли равишда саховатли ўлкамиз мамлакатлари ва халқларининг сифат жиҳатидан янги ўзаро муносабатларини ривожлантиришда бурилиш нуқтаси бўлиб тарихга киради.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон Президентлари ва Тожикистон Олий Кенгаши Раиси қабул этган ахборот шу муқаррар ҳақиқатни яққол тасдиқлади: давлатлар ва халқлар энг мураккаб муаммоларни биргаликда ҳал этишлари, жамият турмушининг турли соҳаларида туб ўзгаришларни тезроқ амалга ошириш борасидаги куч-ғайратларни мувофиқлаштиришлари мумкин ва лозим. Шу йўлгина ҳозирги қийинчиликлардан қутулишга олиб боради.

Давлат бошлиқлари бўлган Сизларнинг зиммангизга минтақа халқлари бамисоли битта азим чинорнинг шохлари каби шу қийин замонни оғир оқибатларсиз ўтказибгина қолмай, айни вақтда ҳозирги ва келажак авлодларнинг муносиб яшаши учун шарт-шароит яратилиши учун ҳам имкони бўлган ҳамма ишни қилишдек жуда катта масъулият юклатилган.

1993 йилнинг дастлабки кунларида Сизлар миллион-миллион кишиларнинг дилида катта умид ва орзу, эртанги кунга ихлос ва ишонч уйғотдингиз.

Халқлар, холис ниятли барча кишиларнинг, миллатидан, динидан ва сиёсий маслакларидан қатъи назар, кучли орзу-умидларини, тинчлик ва тотувликка, дўстлик ва яхши қўшничиликка, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашувга ишончини изҳор эта олдингиз.

Халқаро сиёсий луғатга Марказий Осиё деган янги тушунчани киритганингиз чинакам тенг ҳуқуқли, қардошларча ҳамкорлик йўлидан қатъият билан боришга азму қарор берганингизнинг далилидир. Энди бирон-бир давлатни анъанавий ягона минтақамиздан ажратишга ҳатто расмий баҳона ҳам йўқ. Марказий Осиё ҳамиша унда яшовчи барча халқлар учун меҳрибон муштарак хонадон бўлиб қолишига, тинчлик, тараққиёт, миллатлараро иноқлик ва сиёсий барқарорлик намунасини кўрсатишига ишонамиз.

Жонажон Ўзбекистонимиз айни шу йўлдан изчиллик билан шахдам одим ташламоқда. Республикамизнинг барча фуқаролари — ўзбекистонликлар эркин, равнақ топувчи, демократик жамият барпо этишдек мана шу бунёдкорлик йўлини бажонидил қўллаб-қувватлайдилар. Бошқа қардош давлатлар ҳам айни шу йўлдан бораётганини билганимиз учун шу қийин йўлдаги муаммоларни биргаликда бартараф этиш осонроқ бўлишига аминмиз. Мамлакатларимиз имзолаган давлатлараро шартнома ва битимларни амалга оширишга эътиборни кучайтиришингизни, уларнинг ижросини назорат қилишнинг ишончли воситасини яратишингизни сўраймиз.

Биз халқларимиз бахт-саодати йўлидаги фаолиятингиз учун чин қалбдан самимий ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этиш билан бирга ҳар бир кунингиз, ҳар бир қадамингиз халқларни жипслаштиришга, бирлигимизни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, Тошкент учрашувида Сизлар белгилаган барча режаларни амалда рўёбга чиқаришга қаратилишига ишонамиз.

Машаққатли ва масъулиятли ишингизда Сизларга муваффақият, куч-ғайрат, умидворлик ва матонат тилаймиз.

Миллий маданият марказлари, жамиятлари, уюшмалари номидан:

| | |
|---|---|
| арманлар жамоасидан | **Г. С. Дереникян** |
| озарбайжонлар жамоасидан | **И. Мамедов** |
| бошқирдлар жамоасидан | **М. Г. Гайсин** |
| Бухоро яҳудийлари жамоасидан | **П. М. Ниёзов** |
| дунганлар жамоасидан | **М. Д. Сауров** |
| яҳудийлар жамоасидан | **Р. Г. Рабич** |
| эронийлар жамоасидан | **Э. Н. Хўжаев** |
| қозоқлар жамоасидан | **У. Дулдулов** |
| қорақалпоқлар жамоасидан | **А. Зокиров** |
| қирғизлар жамоасидан | **С. Қораев** |
| корейслар жамоасидан | **А. В. Ли** |
| литваликлар жамоасидан | **И. М. Дервинес** |
| немислар жамоасидан | **Т. Д. Екель** |
| поляклар жамоасидан | **А. Левинский** |
| республика байналмилал жамиятидан | **О. Каримов** |
| руслар жамоасидан | **В. Емельянов** |
| тожиклар жамоасидан | **С. Қурбонов** |
| турклар жамоасидан | **У. Салмонов** |
| туркман зиёлилари номидан | **Жумақилич Омонов** |
| уйғурлар жамоасидан | **А. Б. Бараев** |
| Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳамкорлиги ва тараққиётига кўмаклашувчи халқаро уюшмадан | **А. Қ. Уқубоев.** |

**Тошкент шаҳри, 1993 йил 15 январь.**

---

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИГА

# МУРОЖААТНОМА

Азиз дўстлар! Ҳурматли ота-оналар, опа-сингил ва ака-укалар! Биз сизларга Ўзбекистон Республикасида ишлаб турган миллий маданият марказлари номидан мурожаат қилаяпмиз.

Тожикистонда содир бўлган фожеали воқеаларни, қардош республика халқлари бошига тушган кулфат, азоб-уқубатларни ҳаммамиз биламиз ва ачиниб қайғурамиз.

Биродаркушлик урушини бошлаган кучларнинг сиёсий ғаламисликлари ва жиноий масъулиятсизликлари натижасида минглаб бегуноҳ кишилар қурбон бўлди. Қўшниларимизнинг ўн минглаб уйлари вайрон бўлди. Обод шаҳар ва қишлоқлари култепага айланди. Одамлар мол-мулкидан маҳрум бўлиб, ўз юртида қочоқ бўлиб қолди.

Марказий Осиёнинг барча халқлари бу аянчли воқеаларга ич-ичларидан ачинмоқдалар, турли миллатларга мансуб аҳолининг оғир аҳволига, оч ва яланғоч болаларга, даҳшат ичида қолган оналарга, оқсоқолларнинг мусибатларига ҳамдард бўлмоқдалар.

Қиш-қировли кунлар бошланди, деҳқонларнинг фидокорона меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилнинг кўп қисми далада қолди, кўмир, ўтин, нон, сут ва бошқа маҳсулотлар, кўрпа-тўшак ва аввало фалокатзадаларга эътибор ва ҳайрихоҳлик етишмаяпти. Миллати ва динидан қатъи назар, бутун аҳоли оғир аҳволда қолди. Халқимиз: ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар, деб бекорга айтмаган.

Мана шундай шароитда Тожикистон халқлари бизга ишонч билан қарамоқдалар, қардошларнинг беғараз ва дўстона ёрдамига умид қилмоқдалар. Давлатларимиз, халқларимиз ҳамиша дўст ва яхши қўшни бўлиб яшаб келганликларини эсга олайлик. Неча минг йиллар давомида биз ёнма-ён яшаб келдик, қувонч ва қайғуларни ҳамиша бирга баҳам кўрдик, оғир кунларда бир-биримизга кўмаклашдик. Бугун ҳам мана шундай кун келди, қўшнинг тинч, сен тинч. Қўшниларимизни кулфатда қолдирмаймиз.

Қардош республикадаги тожик халқи ва бошқа халқлар бутун кўп асрлик тарих давомида қийинчилик ва маҳрумликларга неча марталаб дуч келганлар, аммо ҳамиша ҳам уларни мардонавор енгиб ўтганлар. Бу гал ҳам шундай бўлади.

Бу ишда ҳаммамиз унга мададкор бўлайлик, шу саховатли минтақада бирга яшаб турган барча қардош халқларнинг ёрдами билан қийинчиликлар осонроқ бартараф этилади.

Кўҳна Тожикистоннинг ўз ободлиги, ҳақиқий мустақиллигига эришиш йўли машаққатли бўлди. Бошқа суверен давлатларнинг йўли ҳам осон эмас. Қардош қўшниларнинг аччиқ сабоқлари шунга яна бир бор ишонтирадики, биз фақат биргаликда, фақат дўст ва тотув бўлгандагина ўз мақсадларимизга ета оламиз, минтақадаги барча халқларнинг равнақи ва тараққиётига эриша оламиз. Якка-ёлғиз бахтиёр бўлиб бўлмайди.

Мамлакатларимиз раҳбарларининг куч-ғайратларини бирлаштириш йўлидаги саъй ҳаракатларини маъқуллаймиз ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 3—4 январь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан қутулиш йўлларини биргаликда излашнинг яққол далили бўлди. Қардош Тожикистонни қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинган қарорлар бизни руҳлантириб юборди. Унга ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар томонлама ёрдам берилмоқда.

Бироқ, бизнинг шароитимизда жамики муаммоларни фақат давлатларнинг зиммасига юклаб қўйиш инсофдан эмас, деб ҳисоблаймиз. Биз ҳаммамиз — оддий кишилар бу машаққатларнинг бир қисмини ўз зиммамизга олишимиз мумкин ва лозим. Қўшниларга қўлимиздан келганча озиқ-овқат, кийим-кечак, кўрпа-тўшак, пул билан ёрдам берайлик. Ҳозир улар ҳамма нарсага муҳтож.

Биз — ўзбекистонликлар, барча миллий маданият марказларининг намояндалари 22 миллионли Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, Марказий Осиё давлатларининг барча фуқароларини, ҳамма халқларини республикаларимизда қардош Тожикистонга ёрдам махсус инсонпарварлик жамғармаларини ташкил этишга даъват қиламиз. Сиёсий партияларни, жамоат ташкилотларини, меҳнат жамоаларини, ишбилармонларни ва барча холис ниятли кишиларни мурожаатномамизни қўллаб-қувватлашга чақирамиз. Бу хайрли ва олижаноб ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Марказий Осиё давлатларининг ҳукуматларидан бизнинг таклифимизни қўллаб-қувватлашини ва шу ҳақда белгиланган тартибда қарор қабул қилишни сўраймиз.

**Ўзбекистон Республикаси миллий маданият марказлари вакилларининг йиғилишида қабул этилди.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 15 январь.

---

*• Анъаналар—халқ мулки*

# «МЕҲР ҚОЛУР, ОҚИБАТ ҚОЛУР...»



Маҳаллаларга бўлган эътибор кундан кунга ортиб бормоқда. Кейинги пайтда шаҳримиздаги кўплаб мавзе, даҳалар маҳаллаларга айлантирилди. Бундан кўзланган мақсад — маънавий қадриятларимизнинг асоси бўлган одамийлик, меҳр-оқибатни тиклашдир.

Ўтган йили Чилонзор районидаги 18-даҳа ҳам ана шундай ҳамжиҳатлик масканига айлантирилиб, унга «Меҳржон» номи берилганди. Шу қисқа вақт ичида бу жамоада кўпгина хайрли тадбирлар амалга оширилди. Айни пайтда 10 минг нафарга яқин турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқдалар. Яқинда эса шу маҳаллада «Меҳр қолур, оқибат қолур» деб номланган байрам кечаси бўлиб ўтди. Жамоа аҳли тўкин дастурхон атрофида бирбирлари билан дилдан суҳбатлашдилар. Оқсоқоллар, меҳнат ва уруш фахрийлари, пиру-бадавлат онахонлар давраннинг кўрки бўлишди. Тантанада, айниқса, «Меҳржон» номига муносиб бўлиш кераклиги тўғрисида илиқ сўзлар айтилди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Шукур Темуров, республика Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси раисининг ўринбосари Мухтор Усмонхўжаев, «Тинчлик» жамғармасининг раиси Муаттар Пўлатова, элшунос олим Билол Аминов, шоир Наримон Орифжоновлар сўз олиб, қадриятларимиз мезони бўлган меҳр-оқибат ҳақида гапирдилар.

— Бундай фазилатлар инсонларни бир-бирларига боғлаб турувчи кўринмас риштадир. Ана шу риштанинг нечоғлик мустаҳкам бўлиши маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигига боғлиқ,— деди маҳалла комитетининг раиси Музаффар Жаъфаров.

Кечада юқоридаги жамғарма ва ташкилотлар маҳалланинг ночор, кўп болали, кам таъминланган оилаларига ёрдам тариқасида пул, кийим-кечаклар тортиқ қилдилар. Маросимни уюшқоқлик билан ташкил қилишда маҳалла фаолларининг жонбозлиги яққол кўзга ташланди. Шунингдек, «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Нозли ёр», Абдулла Қаҳҳор маданият уйининг «Дурдона», Акмал Икромов район маданият уйи қошидаги «Кўнгил» ашула ва рақс дасталари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқ ва рақслари билан йиғилганларни хушнуд этишди. Чилонзор районидаги 29-озиқ-овқат дўкони ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг қандолат цехи ҳомийликни ўз зиммаларига олишди.

Баҳс-мунозараларга бой, таърифлашга тилинг лол бўлган бундай анъаналар тез-тез ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Миллатимизга хос бўлган ажойиб, гўзал фазилатларни тиклаш, камол топтириш, қайғули ва қувончли кунларда бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз ҳар бир фуқаронинг асосий бурчи бўлиши зарур.

**Назира СОДИҚОВА,**
**Гулзода МАМБЕТОВА.**



**СУРАТЛАРДА: «Меҳр қолур, оқибат қолур» тантанасидан лавҳалар.**

**Засим Соколов суратлари.**

